

## VII. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 5742 тани ташкил қилди.

2020 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 69,9 фоизи (2019 йил январь-декабрда 69,5 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2020 йил январь-декабрда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

-саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5058,1 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 34,7 фоизи) ёки 2019 йилнинг январь-декабрга нисбатан 110,5 фоизни ташкил қилди;

-24029,3 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 102,6 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,7 фоизи) ташкил қилди.

-3584,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 18,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь-декабрга нисбатан 42, фоизни ташкил қилди;

4281,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 86,9 фоизи) бажарилди ва 2019 йилнинг январь-декабрга нисбатан 102,9 фоизни ташкил қилди;


-автомобил транспорти юк айланмасининг 102,3 фоизга (умумий юк айланмасига нисбатан 90,1 улуши), йўловчи айланмасининг эса 94,6 фоизга (умумий йўловчи айланмасига нисбатан 97,6 улуши) тенг бўлди;

-чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 93,5 фоизи ёки 11 643,5 млрд. сўм (1,2 фоизга камайиш кузатилди) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 70,1 улуши ёки 7081,9 млрд. сўмни ташкил қилди;

-79,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 47,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди.

### Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши


2020 йил январь-декабрь ойларида (жамига нисбатан фоизда)



**2020 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича**

|                                 | <i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм</i> | <i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i> |
|---------------------------------|---|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 24029,3   | 70,4  |
| Саноат                          | 5058,1  | 34,7  |
| Қурилиш                         | 4281,0  | 86,9  |
| Чакана савдо                    | 11 643,5  | 93,5  |
| Хизматлар                       | 7081,9  | 70,1  |
| Экспорт, млн. АҚШ долл.         | 110,6   | 56,3  |
| Импорт, млн. АҚШ долл.          | 182,7   | 52,5  |

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодий тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:**



(умумий ҳажмга нисбатан фойз ҳисобида)

2019 йил январь-декабрь
  2020 йил январь-декабрь

**Январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг  
асосий кўрсаткичлари**

|   | <i>Ўлчов<br/>бирлиги</i> | <i>2019 йил</i> | <i>2020 йил</i> | <i>(+)</i>  |
|---|--------------------------|-----------------|-----------------|-------------|
| <b>Фаолият юритаётган кичик<br/>корхона ва микрофирмалар сони</b> | <i>бирлик</i>            | <b>20304</b>    | <b>25297</b>    | <b>4993</b> |
| <b>Янги ташкил этилган кичик<br/>корхона ва микрофирмалар</b>     | <i>бирлик</i>            | <b>5154</b>     | <b>5742</b>     | <b>588</b>  |
| ЯҲМ   | %                        | 69,5            | 69,9            | 0,4         |
| Саноат  | %                        | 22,5            | 34,7            | 12,2        |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик<br>хўжалиги                           | %                        | 99,6            | 98,7            | -0,9        |
| Инвестиция  | %                        | 30,5            | 18,0            | -12,5       |
| Қурилиш   | %                        | 83,1            | 86,9            | 3,8         |
| Савдо   | %                        | 96,5            | 93,5            | -3,0        |
| Хизматлар   | %                        | 71,2            | 70,1            | -1,1        |
| Юк ташиш  | %                        | 84,1            | 88,8            | 4,7         |
| Юк айланмаси  | %                        | 83,7            | 90,1            | 6,4         |
| Йўловчи ташиш   | %                        | 93,4            | 97,1            | 3,7         |
| Йўловчи айланмаси   | %                        | 95,6            | 97,6            | 2,0         |
| Экспорт   | %                        | 36,6            | 56,3            | -19,7       |
| Импорт  | %                        | 59,8            | 52,5            | -7,3        |


**2020 йилнинг январь-декабрь ойларида иқтисодийёт тармоқларида  
кичик тадбиркорликнинг улуши тузилиши**



**Январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши, фоизда**

**2020 йил январь-декабрь**


2020 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 69,9 фоизни ташкил қилди (2019 йилнинг январь-декабрида 69,5 фоиз). ЯХМ таркибида кўпайиши йирик корхоналар улуши тушиши билан тушунтирилади.



**Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши  
(умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда)**


Худудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Қарши шаҳри (1375,5 млрд. сўм), Яккабоғ тумани (496,9 млрд. сўм), Косон тумани (394,9 млрд. сўм), Китоб тумани (373,0 млрд. сўм), Қамашин тумани (328,3 млрд. сўм) ва Шаҳрисабз тумани (325,4 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади. Дехқонобод тумани (96,8 млрд. сўм), Ғузор тумани (133,4 млрд. сўм) ва Нишон тумани (135,0 млрд. сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2020 йил январь-декабрда худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати**




Худудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами саноат маҳсулотидagi энг юқори улуши Китоб (96,5 фоиз), Шаҳрисабз шаҳри (83,2 фоиз), Яккабоғ (80,0 фоиз) Шаҳрисабз (77,8 фоиз), Миришкор (76,9 фоиз) ва Чироқчи (74,0 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга Нишон (4,5 фоиз), Ғузор (5,0 фоиз), Дехқонобод (16,7 фоиз), Муборак (29,9 фоиз) ва Касби (34,8 фоиз) туманларида кичик тадбиркорликнинг улуши пастлиги кузатилди.

**2020 йил январь-декабрь ҳолатига жами саноат маҳсулотидagi  
кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, фоиз**




Ҳудудлар бўйича кўпроқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми Чироқчи (3088,4 млрд. сўм), Косон (2394,1 млрд. сўм), Қамаши (2178,9 млрд. сўм), Китоб (2025,7 млрд. сўм), Қарши (1987,3 млрд. сўм) ва Касби (1931,1 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Қарши (143,1 млрд. сўм) ва Шаҳрисабз (194,1 млрд. сўм) шаҳарларида ва Дехқонобод (1069,7 млрд. сўм) туманларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2020 йил январь-декабрда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қишлоқ,  
ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми ва ўсиш суръати**




Худудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Қарши шаҳри (2 474,8 млрд. сўм), Косон (1 139,9 млрд. сўм), Чироқчи (1 127,9 млрд. сўм) ва Қамаш (1 065,6 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Муборак (345,7 млрд. сўм), Шахрисабз (377,5 млрд. сўм) ва Қарши (420,8 млрд. сўм) туманларида чакана товар айланмаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

### 2020 йил январь-декабрда худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати



Худудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Қарши шаҳри (2465,6 млрд. сўм), Косон (519,5 млрд. сўм), Китоб (459,1 млрд. сўм), Чироқчи (439,2 млрд. сўм), Яккабоғ (393,0 млрд. сўм), Қарши (386,1 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

### 2020 йил январь-декабрда худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар ҳажми ва ўсиш суръати



**2020 йил январь-декабрда кичик тадбиркорликнинг иқтисодий тармоқлардаги  
худудлар бўйича улуши, фоизда**

|                              | <i>Саноат</i> | <i>Қишлоқ,<br/>ўрмон ва<br/>балиқ<br/>хўжалиги</i> | <i>Инвести<br/>ция</i> | <i>Қурилиш</i> | <i>Чакана<br/>савдо</i> | <i>Хизмат<br/>лар</i> |
|------------------------------|---------------|--|------------------------|----------------|-------------------------|-----------------------|
| <b>Қашқадарё<br/>вилояти</b> | <b>34,7</b>   | <b>98,7</b>  | <b>18,0</b>            | <b>86,9</b>    | <b>93,5</b>             | <b>70,1</b>           |
| Қарши ш.                     | 46,8          | 94,1   | 16,8                   | 79,9           | 80,6                    | 54,8                  |
| Шаҳрисабз ш.                 | 83,2          | 99,0   | 84,4                   | 63,9           | 97,7                    | 67,9                  |
| <i>туманлар:</i>             |               |  |                        |                |                         |                       |
| Ғузор                        | 5,0           | 98,9   | 5,5                    | 68,5           | 97,6                    | 76,8                  |
| Дехқонобод                   | 16,7          | 99,3   | 72,9                   | 100,0          | 99,1                    | 83,8                  |
| Қамаши                       | 59,6          | 99,6   | 77,6                   | 99,7           | 99,1                    | 85,8                  |
| Қарши                        | 48,7          | 99,6   | 43,2                   | 100,0          | 96,0                    | 86,8                  |
| Косон                        | 52,4          | 99,8   | 84,8                   | 82,0           | 99,4                    | 88,1                  |
| Китоб                        | 96,5          | 99,1   | 47,3                   | 100,0          | 94,9                    | 87,6                  |
| Миришкор                     | 76,9          | 99,3   | 61,2                   | 100,0          | 99,2                    | 77,7                  |
| Муборак                      | 29,9          | 97,7   | 9,3                    | 77,8           | 96,9                    | 56,4                  |
| Нишон                        | 4,5           | 94,7   | 1,3                    | 99,9           | 99,0                    | 84,8                  |
| Касби                        | 34,8          | 95,3   | 43,3                   | 94,5           | 98,7                    | 84,5                  |
| Чироқчи                      | 74,0          | 99,8   | 83,1                   | 100,0          | 97,6                    | 88,7                  |
| Шаҳрисабз                    | 77,8          | 99,5   | 53,2                   | 100,0          | 91,3                    | 88,8                  |
| Яккабоғ                      | 80,0          | 99,3   | 82,4                   | 100,0          | 96,9                    | 87,9                  |

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Китоб (96,5 фоиз), Шаҳрисабз шаҳар (83,2 фоиз), Яккабоғ (80,0 фоиз) ва Шаҳрисабз (77,8 фоиз) туманларида кузатилди.

Инвестицияда энг юқори улушларни Косон (84,8 фоиз), Шаҳрисабз шаҳар (84,4 фоиз), Чироқчи (83,1 фоиз), Яккабоғ (82,4 фоиз) ва Қамаши (77,6 фоиз) туманларида кузатилди.



Қурилиш соҳасида Деҳқонобод, Қарши, Китоб, Чирокчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида мос равишда (100,0 фоиз), Нишон (99,9 фоиз), Қамаш (99,7 фоиз) ва Касби (94,5 фоиз) туманларида кузатилди.


Чакана савдода Қарши (99,4 фоиз), Миришкор (99,2 фоиз), Деҳқонобод ва Қамаш (99,1 фоиз), Нишон (99,0 фоиз) ва Касби (98,7 фоиз) туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасида Шаҳрисабз (88,8 фоиз), Чирокчи (88,7 фоиз), Косон (88,1 фоиз) ва Яккабоғ (87,9 фоиз) туманларини ташкил этади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2020 йил 4-чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Қурилиш соҳасида респондентларнинг 46,2 фоиз қониқарли деб ҳисоблашини, савдо соҳасида – 50,1 фоиз қулай ва 40,1 фоиз қониқарли, мос равишда хизматлар соҳасида – 38,3 фоиз ва 49,8 фоиз, саноатда – 66,4 фоиз ва 25,7 фоиз, кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалигида 44,4 фоиз қониқарли ташкил қилганини кўрсатди.


Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда – 7,9 фоиз, қурилишда – 20,3 фоиз, кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 13,3 фоиз, хизматларда – 11,9 фоиз ва савдода – 9,7 фоизни ташкил қилди.

### Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни баҳолаш 2020 йил IV-чорак учун, фоизда



**Иқтисодий вазият яқин уч ойда** қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яхшиланиш 84,4 фоиз, ўзгаришсиз 15,6 фоиз, саноат корхоналари яхшиланиши 90,0 фоиз, ўзгаришсиз 7,1 фоизи, савдо – яхшиланиш 94,0 фоиз, ўзгаришсиз 4,9 фоиз, хизматларда яхшиланиш 88,5 фоиз, ўзгаришсиз 9,5 фоиз ва қурилиш тармоғида яхшиланиш 89,2 фоиз, 9,5 фоиз ўзгаришсиз қутилмоқда.

**Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда**



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилатган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.